

**БАРЧА ДОВУСКА ТАШКИНТЛАРИ  
«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**“Сув таъминоти ва оқава сув  
объектлари қурилиши бўйича инжиниринг  
Компанияси” УК Фарғона вилояти**  
**худудий бошқармаси**

**Р.Холиқназаров**  
**» 2022 йил**



Объект номи: "Фарғона" инжиниринг компанияси  
қураладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг  
объектини юйта смета хужжатларини ишлаб чиқишни  
бўйичанини бўйичанет мадди (КС) бўйича 197-001-008 сўн.  
Худудирия тутилган маддати - 50 кун.

Гашучидан: Сув таъминоти ва оқава сув объектини қурилиши бўйича инжиниринг  
компанияси УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси  
Чойнигаев магнити-Фарғона шахар Ўзбекистон кўчси 143-Уй,  
телефон: +998 90 240 73-06.

**"ФАРГОНА ШАХРИ НУРАФШОН КЎЧАСИ, МУСТАҚИЛЛИК ШАҲАРЧАСИДА  
ҚУРИЛАДИГАН "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВИННИГ ТАШКИ ОҚОВА СУВ ТИЗИМИНИ  
ҚУРИШ" ОБЪЕКТИНИ ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА**

# **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

“Сув таъминоти ва оқава сув объектини қурилиши бўйича инжиниринг  
компанияси УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси” бўйича  
худудий бошқармаси бозорига:

Р.Холиқназаров



**2022 йил**

**БАРЧА ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!**

**"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжинииринг  
Компанияси" УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси**

**ТАЛЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Объект номи:** "Фарғона шаҳри Нурафшон кўчаси, Мустақиллик шаҳарчасида қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ташқи оқава сув тизимини қуриш " объектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиши.

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 1 107 200 000 сўм.**

**Ишларни тугаллаш муддати – 50 кун.**

**Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжинииринг компанияси УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси**

**Жойлашган манзили-Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 143-үй,**

**телефон- 0-373-244-72-04**

**Молиялаштириш манбаси: Республика бюджети(сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривожлантириш жамғармаси)**

Талов иштирокчилари қўйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, лицензияга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва етарли тажрибага эга бўлишлари шарт.

- ◆ Тасдиқланган талов хужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот портали [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) дан юклаб олиш мумкин;
- ◆ Иштирокчи талов хужжатларини маҳсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, кабул қилишни охирги муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- ◆ [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) маҳсус порталига электрон тарзда юклangan таклиф (оферталар) комиссия томонидан кўриб чиқилади.

**"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши  
бўйича инжинииринг Компанияси" УК Фарғона вилояти  
худудий бошқармаси бошлиғи:**

**Р.Холиқназаров**



## ТАЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

**Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси ДУК Фарғона вилояти худудий бошқармаси таловда иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этамиз ва куйидаги обьект бўйича Талов таклифини электрон тақдим этилишини сўраймиз.**

Объект номи: "Фарғона шахри Нурафшон кўчаси, Мустақиллик шаҳарчасида қуриладиган "Янги Ўзбекистон" масивининг ташқи оқова сув тизимини қуриш " обьектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 1 107 200 000 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 50 кун.

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Фарғона худудий бошқармаси

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: **Республика бюджети(сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривожлантириш жамғармаси)**

Таловда таклиф этилган шартлар бўйича мулчилик шаклидан қатъий назар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

**Таловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:**

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

**Тегишли лицензияларга эга бўлиши;**

доимий ходимлари, жумладан техник-муҳандис ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, жумладан, талов предметида кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун етарли офис техникалари, лойиҳалаштириш учун тегишли электрон дастурларга эга бўлиши;

Молиявий холати:

Талов предметига ўхшаш объектларда ишлаганлиги бўйича етарли тажрибаси мавжудлиги; бажарилган ишлар, жумладан ўз кучи билан аввал бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Куйидаги Талов иштирокчиларига Талов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;

Буюртмачи билан судлашув жараёнида бўлган ташкилотлар.

Талов таклифини тайёрлаш тақдим этиш учун керакли барча хужжатлар ва кўрсатмалар талов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Талов иштирокчилари танишиб чиқиш ва талов таклифини тузиш мақсадида, талов предметининг лойиха хужжатлари хусусан ишчи лойихани ишлаб чиқиш топширигини тқдим этилиши хақида буюртмачига мурожаат қишишга хақли.

Таклифларни топшириш Талов иштирокчисининг Талов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни кўриб чиқиш электрон тизим орқали амалга оширилади.

**БУЮРТМАЧИ РАҲБАРИ:**



*Руслан*

## ТАЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### **I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ**

1.1. Буюртмачи - Талов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, Талов ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича Талов ўтказилишини эълон қиласди.

1.2. Таловнинг тури – очик Талов, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар Талов хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4 Лойиха ишшлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шахарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари. Курилиш материаллари, ёқилғи, жихозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

1.5 Талов хужжатлари элетрон тарзда берилган хужжатлар аосида ишлаб чиқиласди. Бунда пудратчи ўзининг таклифида экспертиза ижобий хulosасини ўз хисобидан олиб беришини хисобга олиши лозим.

### **II. ТАЛОВ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ**

2.1. Ушбу талов хужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа қонуности, норматив-хуқуқий хужжатларининг талаблари доирасида ишлаб чиқилган. Умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм Талов иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур Йўриқноманинг, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

#### **2.2.1. Шакллар рўйхати:**

**1-шакл.** Талов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

**2-шакл.** Талов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

**3-шакл.** Талов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

**4-шакл.** Талов предметига ўхшаш обьектларда етарли иш тажрибаси.

**5-шакл.** Талов иштирокчисининг ишларни бажаришда оғис оргтехникасининг рўйхати.

**6-шакл.** Талов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) обьектлари.

**7-шакл.** Курилиш майдончасини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.

#### **2.2.2. техник қисм:**

- ишчи лойихани ишлаб чиқиш топшириғи

Изоҳ: лойиханинг хусусиятига қараб техниковий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа хужжатлар хам киритилиши мумкин.

- Молиялаштириши манбаси, шартлари хамда шартнома лойихасидан иборат.

### **III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ**

3.1. Мазкур лойиҳа ишлари бўйича Таловда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар Талов иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Талов иштирокчиси Таловда иштирок этиш учун Талов ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур Йўриқноманинг VII-боби талабларига биноан Талов таклифини тақдим этиши зарур.

3.3. Талов иштирокчиси ўзининг Талов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча ҳаражатларни ўз зиммасига олиши керак.

Бунда буюртмачи, Талов комиссияси Талов натижаларидан қатъий назар, мазкур ҳаражатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Талов иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) Талов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

#### **IV. ТАЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ**

4.1. Буюртмачи Таловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин Талов ҳужжатларига ўзгартирислар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартирисига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу Таловда таклифлар бериш тугайдиган муддат Талов ҳужжатларига ўзгартирислар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида Талов иштирокчиси ёзма равища Талов ташкилотчисига Талов ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Талов иштирокчилари учун хабарнома тузишдан аввал оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироуз учун асос бўла олмайди.

#### **V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ**

5.1. Талов иштирокчилари Талов ва лойиха олди ҳужжатларини ўрганиб чиқишилари керак, Талов иштирокчилари Талов предметининг лойиха олди ҳужжатларини буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилган ҳужжатлар оркали ўрганади.

Шунингдек, буюртмачи лойиха олди ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианти)ни Талов иштирокчилари таъсирига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Талов иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини бориб кўришлари, АРТ ва техник топшириқларни жойнинг ўзида ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш Талов иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойихани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

#### **VI. ТАЛОВ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ**

6.1. Талов иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, Таловга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, Талов иштирокчилари билан буюртмачи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Талов иштирокчиси томонидан тайёрланган Талов таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Талов иштирокчиси Талов таклифини мазкур Талов ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва Талов ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, Талов иштирокчиси Талов таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини хисобга олиши лозим.

6.4. Талов иштирокчиси ўз Талов таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

## VII. ТАЛОВ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Талов таклифлари, электрон нусхада ва ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ талаблари асосида шакллантирилган бўлиши керак.

### **7.2. Топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар таркиби:**

7.2.1. Иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдорини тизимнинг маъсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва миқдори ТАЖда кўрсатилади.

7.2.2. Талов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади.

7.2.3. Талов иштирокчиси охирги 3 йилдаги молиявий кўрсаткичлари. (2-шакл). Шаклни тўлдиришда ўз фаолияти давридаги молиявий холати тўғрисида маълумотлар киритилиши лозим. Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хуносаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисботлар (баланс ҳисботлар)нинг нусхаларини илова қилиниши мумкин.

7.2.4. Талов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисбот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.5. Талов предметига ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда Талов иштирокчиси Талов предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак.

7.2.6. Талов иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган офис оргтехникаси, компьютер дастурларининг рўйхати (5-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара асосидаги офис техникаларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда Талов иштирокчиси лойиҳа-смета ишларини бажариш даврида ҳақиқий бўлган ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.7. Иштирокчининг талов ўтказилаётган даврдаги жорий лойиха ишлари шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл).

7.2.8. Курилиш майдони кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.(7-шакл)

7.2.9. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.10. Лицензиялар ёки рухсатномаларнинг нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалини нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.11. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга Талов иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

7.3. Таловда қатнашиш буюртмаси таъминотини қўйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.3.1. Талов ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.3.2. Бошқа иштирокчиларга - Талов ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.3.3. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.4. Буюртма таъминотини қайtариш, тизим томонидан автоматик тарзда қайtарилади.

7.5. Таловда иштирок этишга буюртма таъминоти қўйидаги ҳолатларда қайtарилмайди:

7.5.1. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартериши киритган, талов таклифининг амал қилиш муддати ва 7.3.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайtариб олган оферентга;

7.5.2. Талов ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклиfinи қайtариб олганда ёки Талов ҳужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака Талови орқали Талов ўтказилганда биринчи йиғма жилд ҳужжатлари малакавий ҳужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари эса Талов таклифи деб ҳисобланади.

### **VIII. ТАЛОВ ТАКЛИФИ НАРХИ**

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар Талов иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Талов иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниқлашда оралиқ суммалар жамланади. Талов иштирокчилар ишларни Таловда иштирок этаётганда ишларнинг таклиф этилаётган қийматини, ишларнинг шартномавий баҳолардаги тўғридан-тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиги (ҚҚС)ни хисобга олган ҳолда белгилашлари керак.

8.2. Талов иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.3. Сўз билан ёзилган нарх ва рақам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.4. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.5. Таловда белгиланган ишларнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буортмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири) бундан мустасно.

### **IX. ТАЛОВ ТАКЛИФИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ**

9.1. Талов таклифининг амал қилиш даври маҳсус ахборот порталида белгиланган муддат, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

### **X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ**

10.1. Талов иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг электрон жойлаштириш керак.

10.2. Таклифнинг ҳужжатлари, барча шакиллари электрон вариантда ҳар бир бети Талов иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзоланган ва Талов иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Талов иштирокчилари га хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари Талов таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Талов ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки Талов иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно.

Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Талов комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлиар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш хукуқини ўзида сақлаб қолади. Талов ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлиар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар Талов таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

### **XI. ТАЛОВ ТАКЛИФИНӢ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ**

11.1. Таклиф берилганидан сўнг, Талов иштирокчиси Талов таклифига ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас.

11.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан сўнг таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

### **XII. ТАЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

12.1. Талов таклифлари қабул қилиш муддати тугангандан сўнг, комиссия томонидан кўриб чиқилади.

### **XIII. ТАЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)**

13.1. Талов иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи хужжатлар ўрганилади.

13.2. Талов иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жихатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган Талов таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

13.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуидаги шаклда тўлдирилади:

### **XIV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАЛОВ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

14.1. Талов таклифларини техник қисми талов комиссияси томонидан баҳолангандан сўнг техник қисм натижаларини инобатга олган ҳолда тизим орқали автоматик тарзда ғолиб аниқланади.

14.2. Агар Талов комиссияси томонидан таклиф хужжатларининг бирортасини Талов хужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда Талов иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан Таловдан четлатилади.

14.3. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

### **XV. ТАЛОВ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ**

15. Талов ғолибини эълон қилиш электрон тарзда аниқланади ва талов баёни электрон шакилланади.

### **XVI. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ**

16.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича шартномани имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

16.2. Шартнома ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солигини ҳисобга олган ҳолда, Талов хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

16.3. Агар Талов ғолиби мазкур Талов хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, Талов комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган Талов иштирокчисини Талов ғолиби деб топиши ёки тақрорий Талов ўтказишни тайинлаши мумкин.

16.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур Талов хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

### **XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

17.1. Электрон тизим Таловни қуидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини якунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;

- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида Талов комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф Талов хужжатлари талабларига мувофиқ келса:

- Талов иштирокчилари таклиф этган нархлар Талов предметининг бошланғич қийматидан ошиқ бўлса;

- Талов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда Талов ўтказилмаган деб топилса.

17.2. Таловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши Таловнинг бирон-бир иштирокчиси (Талов комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, Талов иштирокчилар) ни мулкий ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

17.3. Агар Талов бўлиб ўтмаган деб топилса, такорий Талов ўтказилади. Бунда Талов хужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

## XXII. ТАЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим Талов предмети бўйича ва Талов хужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари маҳсус қоидаларини ўз ичига олади.

T/p	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	“Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси
2.	Объект номи:	"Фарғона шаҳри Нурафшон қўчаси, Мустақиллик шаҳарчасида қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ташқи оқова сув тизимини қуриш " объектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиши.
3.	Талов тури:	Очиқ
4.	Талов хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<a href="http://www.etender.uzex.uz">www.etender.uzex.uz</a>
5.	Таловда иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдори:	Таловда иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдори тизимнинг маҳсус хисоб ракамига ўтказилади. Талов буюртмасининг таъминлаш кафолати миқдори <b>11 072 000</b> сўм (объектни лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқиш бошланғич қийматининг 1 фоизи миқдорида)
7.	Талов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<a href="http://www.etender.uzex.uz">www.etender.uzex.uz</a> маҳсус ахборот портали

8.	Таловда иштирок этишга қуйидаги ташкилотларга рухсат этилади:	<p>Мулкчилик шаклидан қатъий назар, Махаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари, Шартномани бажаршига зарур техникавий молиявий, моддий, кадирлар ресурслари хамда бошқа ресурслари мавжуд; ўзига нисбатан банкротлик тартиб таомили мавжуд эмас; инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайтдо этилмаган лойиҳачи ташкилотларга рухсат берилади.</p>
9.	Лицензия талаб этиладиган иштурлари:	<p>Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши лицензия талаб этилади, жумладан, 3-тоифадаги: Уй-жой-хўжалик қурилиши учун обьектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;</p> <p>Саноат қурилиши учун обьектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;</p> <p>Сув хўжалиги қурилиши учун обьектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;</p> <p>Магистрал муҳандислик тармоқларини (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан ташқари) лойиҳалаштириш;</p> <p>Топогеодезик ва геология ишларини олиб бориш учун лицензия.</p>
10.	Талов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	<u>Etender.izex.uz</u> маҳсус ахборот порталида белгиланади.
11.	ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИНИНГ ТИЛИ:	Ўзбек тили
12.	Буюртмачининг обьект бўйича бошланғич нархи:	КҚС сиз 962 782 608 сўм КҚС билан 1 107 200 000 сўм
13.	Буюртмачи томонидан белгиланган муддати	50 кун
14.	Молиялаштириш манбаси:	Республика бюджети (сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривожлантириши жамгармаси)
15.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириши шартлари: Манзиллий дастурда ажратилган лимитдан лойиҳа ташкилотига жорий йил учун бўнак - 30 %; жорий молиялаштириши - бажарилган ишларнинг ҳажсмидан 70% миқдорида.
16.	Шартнома тили:	Ўзбек тили

17.	Шартнома валютаси:	сўм.
18.	Кўшимча хужжатлар рўйхати:	<i>Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси;</i> <i>Ходимларнинг диплом нусхаси, ишига қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, мехнат дафтарчаси нусхаси, низом, гувоҳнома нусхаси</i>
19.	Иштирокчиларнинг техник қисмдан ўтиш бали	60 балл ва ундан юқори бал тўплаган иштирокчилар

## ТАЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Талов иштирокчисининг номи \_\_\_\_\_

Талов иштирокчиси раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон (факс) рақами \_\_\_\_\_

Юридик мақоми \_\_\_\_\_

Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) \_\_\_\_\_

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) \_\_\_\_\_

### Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

### Асосий ходимлар (Лойиха бош мухандиси ва бошқалар)

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	лойихалашда иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6
				Лойиха бош мухандиси	
				Лойихачилар	
				Сметчилар	
				Мухандис- техник ходимлар	
				бошқалар	

Кадрлар бўлими бошлиғи:

/имзо ва муҳр/

Талов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “ \_\_\_\_ ” 20 \_\_\_\_ й.

**Изоҳ:** Талов иштирокчисининг кейинги ----- йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда иичи ходимлар учун ушибу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иши фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

### ТАЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ МОЛИЯВИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

*(Шаклга кейинги ----- йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)*

(Талов иштирокчисининг номи)							
АКТИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й	ПАССИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й
<b>Узок муддатли активлар</b>				<b>Ўз маблағлари манбаи</b>			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шундан Ишлаб чиқариш фонdlари				Тақсимланмаган фойда			
Қолдик қиймат				<b>Мажбуриятлар</b>			
Капитал қуйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
<b>Жорий активлар</b>				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш хақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

### МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

Номи	20__ й	20__ й	20__ й	Номи	20__ й	20__ й	20__ й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи				Умумхўжалик фаолият бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиги тўловигача фойда				11. Зарар шундан асосий фаолиятдан			
7. Даромад солиги				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси \_\_\_\_\_

Охиригى ----- йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми?

**Талов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

		Ташкилот томонидан ўтган йил (20___ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) хисоботи кўрсаткичлари										
СТИР	Ташкил от тоифаси	Асосий воситала р қолдик (баланс) қиймати Ф-1, 012-сатри	Тўловга қодирлик ёки коплаш коэффициенти (1,25) =9/(10-11)	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар			Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (0,20) =(13+14+15-16)/17	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар				
				390	770	490		480	570	580	130	390
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Коплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у факат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайланлигидан далолат беради.

Коэффициент қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Кпл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{P2 - DO}, \text{ бунда:}$$

**A2** - жорий (айланма) активлар (ишлиб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

**P2** - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

**DO** - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Кос} = \frac{(P1 + Dz2) - A1}{A2}, \text{ бунда:}$$

**A1** - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

**П1** - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

**Дзк2** - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, маҳраж - барча айланма маблаглар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Рахбар \_\_\_\_\_ Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

муҳр

Сана: « \_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_ й.

**Изоҳ:** Талов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари маркибида аудитор компаниясиниг ижобий холосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

**ТАЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ҲОДИМЛАР ЎРТАЧА  
СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

<b>Давр</b>	<b>СТИР</b>	<b>Махсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010- сатри), минг сўмда</b>	<b>Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда</b>	<b>Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иши ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>
X		X	X	X
Ўтган йил (20__ йил) якуни бўйича	X			
Жорий йил (20__ йил) охирги ҳисобот даври бўйича	X			
Жами	X			

шахар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи \_\_\_\_\_

шахар (туман) давлат солиқ инспекцияси  
камерал назорат бўлими бошлиғи \_\_\_\_\_

**ТАЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА  
ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ**

(Талов иштирокчисининг номи)

т/р	<b>Объект номи, шартнома суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси</b>	<b>Буюртмачи номи</b>	<b>Бажарилган ишлар суммаси</b>	<b>Шундан йиллар бўйича</b>		
				<b>20__ й.</b>	<b>20__ й.</b>	<b>20__ й.</b>
	<b>Жами:</b>					

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “\_\_\_\_” \_\_\_\_ 20\_\_ й.

Тасдиқланган: \_\_\_\_\_  
(бош ҳисобчи имзоси)

**Изоҳ:** Маълумотлар Талов иштирокчиси томонидан шартнома ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН  
ТАЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИНГ ОРГТЕХНИКА, ИШЛАРГА ОИД  
КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИНГ  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансида ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
ОФИС ТЕХНИКАЛАРИ							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Ҳаммаси						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “\_\_\_\_\_” 20 \_\_\_\_ й.

**Изоҳлар:**

1. 8 устунга офис техникасининг Талов иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганилиги тўғрисидаги маълумот киритилади.
2. Ижарага оргтехника олинганда ижара шарноманинг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажарии даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ТАЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ ЖОРИЙ ДАВРДАГИ БОШҚА  
(ЛОЙИХА ШАРТНОМАЛАРИ) ОБЪЕКТЛАРИ**

т/р	Буюртмачи номи	Объект номи	Шартнома бўйича бажарилган ишлар суммаси	Шартнома суммаси, бошланиш ва якунланиш санаси	Мавжуд оғис ва оргтехника номлари	Таловнинг предмети – лойихани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган оргтехника сони – (оилар бўйича)			
						7	8	9	10
1	2	3	4	5	6				

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “\_\_\_\_” \_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Изоҳлар:**

1. Бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.
2. Объектда бажарилиши лозим бўлган лойиҳалиштириши ишлари учун келгусида жалб этиладиган оргтехника сони кўрсатилади.

**ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ КҮЗДАН КЕЧИРГАНЛИК ТҮРСИДА  
МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланадики, Мен \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О, лавозими)

томунидан 20\_йил \_\_\_\_\_ да

берилган ишончномага асосан қуидагиларни батафсил ўргандим:

- а) талов хужжатларини
- б) лойиха олди хужжатларини

Мазкур ишларни сифатли, тўла ўз вақтида бажарилишига келгусидаги ишларнинг қийматига, хажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа холатлар хамда лойихалаш майдони билан танишдим. Ушбу холатларнинг борчаси ўз таклифимизда хисобга олинган.

Изоҳ: ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўрисидаги маълумотлар, шу жумладан, лойихалаш йўллари, мухандислик тармоқларининг мавжудлиги, мавжуд бино иншоотлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалалар лойихалаш бош режаси кўринишида тақдим этилади.

Қатнашчининг ваколатли вакили: \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О)

(имзо )

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “\_\_\_\_” \_\_\_\_ 202\_ йил

**БАҲОЛАШ МЕЪЗОНЛАРИ**

Т/п	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори	Оферентлар		
<b>I. Талов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.1-шакл (19 балл)</b>					
1.	Иш стажи етарли бўлган, олий маълумотли лойиҳа мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 2 киши мавжудлиги.	6			
2.	5 йил иш стажига эга 6 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (Лойиҳа бош мухандиси, Лойиҳа бош архитектори ва бошқалар)	4			
3.	Ходимларнинг йиллик ўртача сони 10-30 (иичи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охирги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан текширилади)	5			
4.	Дипломли 3 йил иш стажига эга геодезистлар ва геологлар гуруҳи	4			
<b>II. Талов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот. 2,3–шакллар. (34 балл) *</b>					
1	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 500 млн. сўм ва ундан кўп	7			
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги	3			
3.	Ўтган йилда 100 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги	9			
4.	Иш ҳаққи жамғармаси камидা 150 млн. сўм	7			
5.	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1.25 ва ундан кўп	5			
6.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0.2 ва ундан кўп	3			
<b>III. Таловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси*. 4 - шакл (31 балл)</b>					
1.	Таловдага ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариши йилига N (N-Буюртмаси бошланғич нархининг 20 % ва ундан кўп хар бир йили 7 балл билан баҳоланади)	21			
2.	Таловдагига ўхшаш профил бўйича охирги 3 йилда ўз кучи билан 20 тадан кам бўлмаган ишчи лойиҳа ишлаб чиқганлиги.	10			
<b>IV. Оргтехника рўйхати, 5 - шакл (10 балл)</b>					
1.	Лойиҳа-смета хужжатларини ишларини бажариш учун зарур бўлган офис оргтехникалари, компьютер тўлиқ жамланмалари жихозлари: 5 та гача – 1 балл 10 та гача – 5 балл	10			

	15 та гача – 7 балл 20 та гача – 10 балл				
<b>V. Қурилиш майдони күрганлик ва лойиха олди хұжжатларини ўрганғанлик түғрисида маълумотнома. 7-шакл.(6-балл)</b>					
1.	Қурилиш майдонини күрганлиги ва ўрганиб чиқғанлиги (жойни ўрганғанлик хақидаги хисобот, қурилиш материаллари манбаи хақидаги хисобот, ҳарита, фото суратлар билан тақдим этилиши шарт)	6			

**ТАНЛОВ  
ҲУЖЖАТИНИНГ  
ТЕХНИК ҚИСМИ**

**"Фарғона шахри Нурафшон кўчаси, Мустақиллик шаҳарчасида қуриладиган "Янги  
Ўзбекистон" массивининг ташқи оқова сув тизимини қуриш" объектини лойиха смета  
хужжатларини ишлаб чиқиш.**

*(ОБЪЕКТ НОМИ)*

**2022 йил.**

## **ТАЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТИЖОРАТ ҚИСМИ**

### **I. БУЮРТМАЧИННИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ**

1.1. Буюртмачининг бошланғич нархи Талов Ахборот Жадвалида (ТАЖ) да кўрсатилган.

### **II. БУЮРТМАЧИ БЕЛГИЛАГАН ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУДДАТИ**

2.1. Лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича барча ишлар ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан якунланиши керак.

### **III. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАИ**

3.1. Объектни молиялаштириш ТАЖда кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

### **IV. МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ**

4.1. Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖда бошқа ҳолат айтилмаган бўлса):

бўнак (аванс) – Талов натижаларига кўра аниқланган, лойиха ташкилоти жорий йилидаги ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида;

жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 70 фоизи миқдорида;

4.2. Кейинги йилга ўтадиган объектлар бўйича Талов ўтказилгандা, буюртмачи томонидан жорий йилда ТАЖда кўрсатилган миқдорда маблағ ажратиш кўзда тутилган.

4.3. Тўловлар Буюртмачи томонидан шартнома талабларига биноан амалга оширилади.

4.4. Ишларни бажариш бўйича шартномаси қуидаги тартибот хужжатларига жавоб берини керак:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хуқуқий базаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига.

### **V. ШАРТНОМА ВАЛЮТА ТУРИ**

5.1. Агар ТАЖда бошқача кўзда тутилмаган бўлса, шартномасининг валюта тури – **ўзбек сўмида**.

**VI. ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ  
(НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ)**  
**Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши тўғрисида  
ШАРТНОМАСИ**

—сон

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган \_\_\_\_\_ номидан Низом асосида иш кўрувчи директор \_\_\_\_\_ бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган \_\_\_\_\_ номидан Низом (Устав) асосида иш кўрувчи иккинчи \_\_\_\_\_ томондан \_\_\_\_\_ га доир мазкур шартномасини туздилар.

**I. Шартнома предмети**

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофик \_\_\_\_\_ ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Бажарувчига ишларини бажариш учун зарур нуқсон далолатномасини тақдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

2. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи томонидан бажарилган Талов натижасида аниқланган ва Талов комиссиясининг қарори (20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_”-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда

(\_\_\_\_\_) сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш хажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлгандан;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари**

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, ҳолат тўғрисида уч кунлик муддат ичida Буюртмачини хабардор қилиш;

6. Буюртмачидан маъфий маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва Буюртмачининг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, хужжатларни барча илмий техникавий ва иқтисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикаси ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вактда ахборот бериш туриш;

9. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини экспертиза органларида химоя қилишда иштирок этиш.

10. Буюртмачи ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига кўра аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

#### **IV. Ишларни бажариш муддати**

12. Бажарувчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

13. Талов натижаси бўйича аниқланган шнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан \_\_\_\_\_ ни ташкил этади.

#### **V. Тўловлар ва хисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг \_\_\_\_% миқдорида, аванс ўтказади, бу \_\_\_\_\_ (%) сўмни ташкил этади.

15. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ ҳажмда амалга оширилади:

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳакда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.

19. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

20. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

21. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг \_\_\_\_ % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг \_\_\_\_ фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

22. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равища бош тортилганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг \_\_\_\_\_ фоизи миқдорида жарима тўлайди.

23. Бажарувчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг \_\_\_\_\_ фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг \_\_\_\_\_ фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_\_\_ фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_\_\_ фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди

24. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, молмулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### **VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

26. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### **IX. Алоҳида шартлар**

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

31. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган \_\_\_\_\_ нусхада тузилади.

### **XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари**

Буюртмачи:

Бажарувчи:

Банк: \_\_\_\_\_  
Х/Р \_\_\_\_\_  
МФО \_\_\_\_\_ ИНН: \_\_\_\_\_

Банк: \_\_\_\_\_  
Х/Р: \_\_\_\_\_  
МФО: \_\_\_\_\_ ИНН: \_\_\_\_\_

Рахбар: \_\_\_\_\_

Рахбар: \_\_\_\_\_

М.У. (имзо)

М.У. (имзо)

Юридик хулоса: \_\_\_\_\_